

VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 29225 тани ташкил қилиб, шундан 28212 таси ёки 96,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7488 та (25,6 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 4231 та (14,5 фоизи), саноат 3973 та (13,6 фоизи), қурилиш 3369 та (11,5 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1323 та (4,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар
иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидаги тақсимланади**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	29225	100,0	28212	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4231	14,5	4055	14,4
Саноат	3973	13,6	3831	13,6
Қурилиш	3369	11,5	3243	11,5
Савдо	7488	25,6	7268	25,8
Ташиб ва сақлаш	948	3,2	918	3,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1323	4,5	1261	4,5
Ахборот ва алоқа	338	1,2	323	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	679	2,3	670	2,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6876	23,6	6643	23,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 36,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 62,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагида тақсимланади
(умумий сонига нисбатан фоизда)



2020 йил январь-сентябрда жами 3829 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3710 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 18,9 фоиз), Чироқчи (10,5 фоиз), Қарши (7,4 фоиз), Нишон (6,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 36,7 фоизи савдода, 22,4 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 17,3 саноат соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик
шакллари бўйича тақсимлаш**
(фермер ва дэҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	Жами, бирлик	давлат	нодавлат	иундан хусусий
Вилоят бўйича:	29225	3253	25972	9388
<i>шахарлар:</i>				
Карши	6039	416	5623	1324
Шахрисабз	1799	158	1641	767
<i>туманлар:</i>				
Ғузор	1380	190	1190	433
Дехқонобод	1410	191	1219	893
Қамаши	1926	224	1702	663
Қарши	2263	201	2062	800
Косон	2213	261	1952	467
Китоб	1923	247	1676	912
Миришкор	1046	144	902	190
Муборак	1046	111	935	214
Нишон	1201	131	1070	394
Касби	1189	170	1019	358
Чироқчи	2476	343	2133	747
Шахрисабз	1400	217	1183	450
Яккабоғ	1914	249	1665	776

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

	<i>2020 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь ойларида</i>	
		<i>ташкил топди</i>	<i>тугатилди</i>

Вилоят бўйича:	29225	3829	595
-----------------------	--------------	-------------	------------

ишаҳарлар:

Қарши	6039	722	89
-------	------	-----	----

Шахрисабз

Шахрисабз	1799	173	14
-----------	------	-----	----

туманлар:

Ғузор	1380	183	18
-------	------	-----	----

Дехқонобод

Дехқонобод	1410	190	29
------------	------	-----	----

Қамаши

Қамаши	1926	229	35
--------	------	-----	----

Қарши

Қарши	2263	284	38
-------	------	-----	----

Косон

Косон	2213	270	97
-------	------	-----	----

Китоб

Китоб	1923	216	22
-------	------	-----	----

Миришкор

Миришкор	1046	208	39
----------	------	-----	----

Муборак

Муборак	1046	134	31
---------	------	-----	----

Нишон

Нишон	1201	240	35
-------	------	-----	----

Касби

Касби	1189	183	41
-------	------	-----	----

Чироқчи

Чироқчи	2476	402	34
---------	------	-----	----

Шахрисабз

Шахрисабз	1400	168	26
-----------	------	-----	----

Яккабоғ

Яккабоғ	1914	227	47
---------	------	-----	----


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 22 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 тага камайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 5 та, Туркия Республикаси 5 та, Афғонистон 3 та, Россия Федерацияси 3 та, Жанубий Корея Республикаси 2 та, Туркменистон 1 та, Қирғизистон Республикаси 1 та, Эрон Ислом Республикаси 1 та, Канада 1 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2020 йилда Украина ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг давлатлар кесимидағи сони**
(2020 йил январь-сентябрь ҳолатига)

(бирликда)

6



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 106 та (50,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 37 та (17,6 %) ҳамда савдода 31 та (14,8 %), курилишда 11 та (5,2 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда мос равишда 8 та (3,8 %) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 1 та (0,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 та (1,9 %) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, ташиб ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда




Оилавий корхоналар сони




Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 1817 тани ташкил этиб, улардан 1736 таси ёки 95,5 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртacha 58,3 % га ошган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар, бирлиқда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 574 таси 33,1 % саноат, 402 таси 23,2 % савдо, 288 таси 16,6 % яшаш ва овқатланиш хизматлари, 281 таси 16,2 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 32 таси 1,8 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 19 таси 1,1 % қурилиш, 13 таси 0,7 % ташиш ва сақлаш, 11 таси 0,6 % ахборот ва алоқа ҳамда 116 таси 6,7 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 23362 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 7232 таси (31,0 %) - савдода, 4016 таси (17,2 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3786 таси (16,2 %) - саноат, 3221 таси (13,8 %) - қурилиш, 1247 таси (5,3 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 899 таси (3,8 %) - ташиш ва сақлашда, 520 таси (2,2 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 318 таси (1,4 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 2123 таси (9,1 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда (фермер ва дехқон ҳўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 25,8 % савдо соҳасида, 14,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 13,6 % саноатда, 11,5 % қурилиш соҳасида, 4,5 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,3 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 1,1 % ахборот ва алоқа ва 23,4 % бошқа фаолият турлари ҳиссанисига тўғри келади.